

АЛ-ЧАҒМИНИЙНИНГ “ҚОНУНЧА” АСАРИДАГИ ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАҲЛИЛИ

Холбаева Райхона Абдулазисовна

Тошкент давлат шарқшунослик университети

1-курс таянч докторанти

e-mail raykhona12mim@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўрта асрлар Шарқ фалсафаси табиий-илмий ва фалсафий фанлари ривожига алоҳида ўринга эга бўлган Маҳмуд ибн-Муҳаммад ал-Чағминийнинг “Қонунча” асаридаги фалсафий фикрлар таҳлили баён этилган.

Калит сўзлар: *моддий асослар, инсон моҳияти, содда жисмлар, табиий моҳият, табиқис, борлиқ.*

АНАЛИЗ ФИЛОСОФСКИХ ИДЕЙ В ПРОИЗВЕДЕНИИ АЛ-ЧАГМИНИ «КОНУНЧА»

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлен анализ философских мыслей в произведении «Конунча» Махмуда ибн Мухаммада ал-Чагмини, сыгравшего особую роль в развитии естественнонаучных и философских наук

Ключевые слова: *материальные основы, человеческая природа, простые тело, натуральная сущность, диагноз, бытие*

ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL IDEAS IN AL-CHAGMINI'S WORK “KONUNCHA”

ABSTRACT

In this article, the analysis of the philosophical thoughts in the work “Konuncha” of Mahmud ibn Muhammad al-Chagmini, who had a special role in the development of the natural-scientific and philosophical sciences of the last centuries is described

Keywords: *material foundations, human nature, simple body, natural essence, diagnosis, being*

КИРИШ

Азалдан диёримизда илм фаннинг юксак чўкилларга олиб чиққан алломалар, олим-фузалолар етишиб чиқган. Дунё халқарини айримларигина эришган муваффақият айнан бизнинг бобакалонларимиз томонидан амалга

оширилганини тарихдан маълум. Бу фикрларни биз президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарларида қуйидагича изоҳ орқали кўришимиз мумкин.

“Айни пайтда халқлар тарихида ўзига хос туб янгиланиш давлари борки, бундай замонларда муайян бир давлат миллат даҳоси, унинг ўз салоҳиятини намоён этишга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг чўққиларга кўтарилади. Нисбатан қисқа муддатларда эришилган улуғ марралар бутун жаҳон аҳлини лол қолдиради.

Ер юзидаги баъзи халқларгагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт замонларини ўзига хос Уйғониш, яъни Ренессанс даври, деб аталишининг сабаби ана шунда.”[1:5]

Ренессанс даври илм-фанини нг йирик вакилларида бири Маҳмуд ибн Муҳаммад ўрта асрлар Шарқ илм-фанининг буюк намоёндаларидан ҳисобланиб, Хоразм диёрида яшаб ижод этган мутафаккирдир. Унинг табиий-илмий соҳаларга оид бир нечта асарлари бизнинг замонамизгача етиб келган ва дунёнинг турли тилларига асосан, европа тилларига таржима қилиниб ўрганилган.

Мутафаккир фаннинг турли соҳаларида, хусусан астрономия, математика, тиббиёт ва анатомия йўналишларида ижод этган. Мутафаккирнинг бошқа фан алломаларидан ажралиб турувчи хусусияти бу, унинг табиий-илмий қарашларида фалсафий мушоҳада ва таҳлилнинг мавжудлигидир.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Маҳмуд ибн Муҳаммад ал-Чағминийнинг машҳур асарларидан бири табобатга ва инсон моҳиятининг фалсафий талқинига оид “Қонунча” القانونچه асаридир. Бу асарнинг 1896-йилда Навал Кишорда араб тилида нашр қилинган нусхаси ЎзФАШИ Қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Асарнинг кириш қисмида муаллиф “Бу тиббиёт санъатида табиб учун керакли маълумотларни ўз ичига оладиган қисқача китобдир” деб таъкидлаб ўтган.

“Қонунча” асари тиббиётга оид асар бўлиши билан биргаликда, унинг кириш қисмида табиат, Борлиқ ва унинг инсон саломатлигига таъсири баёни остида табиат тузилишини фалсафий моҳиятини бериб ўтган.

Чағминий ва унинг ижодини ўрганган немис шарқшунос олимлари А.Хохгейм ва Р. Рудлофлар Чағминий ҳақидаги фикрларини қуйидагича баён этадилар: “XIII-аср ўрталарида илм сохталаштирилиб, астрология ва илоҳийлаштириш кучайган ва кўпчилик уйдирмаларни афзал кўриб, уларга берилган эдилар. Чағминий ҳақиқий олим сифатида буларнинг ҳаммасини рад

этди. У ўз асарининг сўнгида сафсата ва хомҳаёл фикрлар пайдо бўлмаслиги учун ўз ёзганларини синчиқовлик билан тўғрилар ва уйдирмаларга йўл қўймасликка ҳаракат қилар эди.” [2:55]

Чағминий тиббиёт, астрономия, математика фанлари билан фалсафий билимларни ўзаро боғлиқликда тушунтиришга ҳаракат қилган. У “Қонунча” асарида одам физиологияси, анатомия, табиати ҳақидаги ўз фикрларини билдириб, инсон барча мавжудотларнинг олий, онгли қисми эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. [3:50]

Унинг “Қонунча” асари жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, Ибн Синонинг “Қонун” асаридан сўнг иккинчи муҳим асар ҳисобланади ва бу асарга кўплаб шарҳлар ёзилган.

Масалан, Ҳиндистонлик машҳур табиб Жони Муҳаммад Акбар Арзони 1780-йилда Чағминийнинг “Қонунча” асарига шарҳ ёзиб, уни “Муффарих ул-қулуб (مفره القلب)” (“Баҳтиёр қалблар” ёки “Қалбларнинг шодлиги”) деб номлайди. Ва муаллиф бу шарҳ ёзилиши тарихи устида тўхталиб шундай дейди: “Мен кўп тиббиётга оид асарларни хусусан, Чағминийнинг “Қонунча” асарин ҳам ўқиганман. Дўстим бир куни менга шу асарга шарҳ ёзишимни сўради. Бу асар халқ учун фойдали саналарди ва мен бу асарга шарҳ ёзиб, уни “Муффарих ул-қулуб” деб номладим” деган эди.[4:25]

“Қонунча” нинг яна бир шарҳи шоир ва табиб Жунайдуллоҳ Хозиқ томонидан ёзилган бўлиб, у маълум вақт Хоразмда яшаб, Оллоҳқулихон буйруғи билан бу асарга шарҳ ёзган.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, Хозиқнинг Чағминий асарига ёзган шарҳи бошқа шарҳлардан яхшироқдир. Чунки, унинг бу шарҳи “Қонунча” ни тўлалигича қамраб олган эди. Бундан ташқари муаллиф баъзи эскирган атамаларни янгилари билан алмаштирган. Хозиқ Чағминий асарини шарҳлашдан аввал узоқ вақт мобайнида шу асарга оид тиббиёт атамаларини ўрганиб чиқган.

Хозиқ бу шарҳини “Таҳқиқ ал-қавоид” (“Ҳақиқий қонун”) деб номлаган. Бу асар форс тилида ёзилган.

Кўп сонли шарҳ ва таржималардан Чағминийнинг шарҳ табоботи ривожланишида роли катта эканлигини кўришимиз мумкин.

Китоб чоп этишининг бошланиши билан Чағминийнинг асарлари фақат Шарқдагина эмас, балки Ғарбда ҳам кенг ёйилди.

1872-йилда сўнг, 1886 ва 1896-йилларда у катта нусхада Лакнауда “Муффарих ул-қулуб” номи билан, 1894-йилда эса Қозонда нашр этилди.

Шарҳловчи Хозикнинг сўзларига қараганда, Чағминийнинг бу асари ҳақиқий “Қонун” бўлиб, асарнинг машҳурлиги, унинг аҳоли учун жуда тушунарли тилдалигидадир.

Чағминий асарининг шарҳловчиларидан бирининг(1714) ёзишича, агар олим, табиб Гален тирик бўлганида ва “Қонунча” билан таниш бўлганида у ҳар бир бўлажак шифокорга тиббиётни ўрганишда Чағминийнинг “Қонунча” асарини ўрганишни тавсия этарди.[5:15]

“Қонунча” асарини ўзбек тилидаги таржимасини Тошкентлик Муҳаммад Шайх Шофайзхон Хожи томонидан амалга оширилган бўлиб, у Тошкент мадрасаларидан бирида муддарислик қиларди. У ўз таржимасининг кириш қисмида :“Мен буюк олим, табиб, ҳурматли Чағминийнинг асарини мадрасадаги ўқишни енгиллаштириш учун, мадраса талабаларининг илтимосларига биноан унга тилни биладиган ягона инсон сифатида ўзбек тилига таржима қилиш ва шарҳлашга қарор қилдим. Бу асар ўн бобдан иборат.Унинг ҳажми катта эмас.” [6:15]Чағминийнинг”Қонунча” асари ҳозирги кунда Ўз РФА Шарқшунослик Институтида, унга ёзилган шарҳ ва турли жойлардаги тошбосма ва қўлёзма нусхалари ҳам ўша ерда сақланади.

Масалан, Қўлёзмалар фондида бу асарнинг 1881-йилда Конпур шаҳридаги нашри №5458 рақами остидаги араб тилидаги тошбосма нусхаси, 1894-йилги Конпур нашри эса № 5459 рақами остида сақланаётган форс тилдаги тошбосма нусхаси, Деҳлида 1908-йилда нашр қилинган ва № 14023 рақами остида сақланаётган нусхаси, 1896-йилда Қутбиддин Аҳмад томонидан чиқарилган араб тилидаги № 5861 рақами остида сақланаётган нусхаси, Деҳлида Абдул Раззоқ томонидан нашр қилинган № 12949-II рақамли араб тили нусхаси, 1870-йилда Конпурда нашр этилган № 11307 рақами билан, 1896-йилдаги Навал Кишор нашриёти № 14108 рақами остида Қўлёзмалар Институтида сақланмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Қонунча” асари юқорида баён қилганимиздек, тиббиётга оид асар бўлиб, олим унинг кириш қисмида табиат ва унинг инсон ҳаётий фаолиятига таъсири ҳақида таъкидлаб ўтган. Табиатдаги ҳар бир нарса майда заррачалардан ташкил топганини ўқтириб ўтади.

Қуйида биз асарни тузилиши билан танишамиз.

Рисоланинг 2-варағидан бошлаб ўртасида тўртбурчак рамка ичида асл матн четида яна рамка ичида ҳошия берилган. Асл матн араб тилида ва суулус

хатида, ҳошия ҳам араб тилида, аммо настаълиқ хатида ёзилган. Ҳошиянинг ўртасида рисола номи билан варақнинг рақами келтирилган.

Асарнинг дастлабки қисмида муаллиф ўзидан аввалги Арасту, Буқрот, Жолинус каби қадимги дунё табобатининг йирик намояндалари асарларида келтирилган тиббга оид маълумотлардан саралаб олиб, 10та мақола қилиб тузганини айтади.

Асарнинг бу тошбосма нусхасининг кириш қисмида шундай фикрлар баён этилган: “Бу тиббиёт санъатида табиблар учун керакли маълумотларни ўз ичига олган қисқача китобдир. Бу китобда аввалги ўтганларнинг китобларидан танлаб олиб, ўн та мақола тартибладим. 1-мақола тиббий усул тўғрисида бу эса 5 та бўлимни ўз ичига олади.” [7:10]

“Қонунча” асарининг асосий қисмида турли касаликлар ва уларнинг даъвоси ҳақидаги маълумотлар ва уларга доир кўрсатмалар берилган. Масалан, унинг биринчи боблари тирик жонзотларнинг(органлар) келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳалок бўлиши ҳақидаги табиий-илмий фалсафий фикрлари баёнига бағишланган. Табиат ва унинг инсон ҳаётидаги роли, табиатдаги ўзгаришларнинг омили ҳам айтиб ўтилган.

Бу асарнинг кейинги боблари кўз касалликлари, инсоннинг бошқа органларидаги турли хилдаги касалликлари юзасидан маълумотлар бериб ўтган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Чағминий бу асарини ёритишда ўзидан аввалги табибларнинг фикрларидан ҳам фойдаланиб яратган. Лекин, ўз навбатида уларнинг айрим фикрларига қарама-қарши фикрларни ҳам билдирган.

Чағминийнинг юқоридаги номи зикр этилган асари ҳозиргача тиббиёт нуқтаи назаридан ўрганилган холос. Ушбу юқоридаги асар фалсафий нуқтаи назаридан, инсон моҳиятининг фалсафий жиҳатлари томонидан очиқ берилмаган. Ваҳоланки, асарнинг аксар матнининг мазмун моҳияти инсон табиати, унинг борлиғи ва вужудидаги руҳий ва табиий ўзгаришларга бағишланган эди.

Бу асарнинг фалсафий аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, муаллиф асарда инсон физиологияси баёни билан биргаликда инсон, умуман бутун дунёдаги тирик жон- табиат ва унинг унсурлари, Ер қобиғидаги мавжудотларни умумий келиб чиқиши, ривожига ҳақидаги илғор фикрларни билдириб ўтган эди. Юқоридаги асар нафақат тиббиётга, балки инсон ва борлиқнинг фалсафий моҳиятига оид қарашлар билан йўғрилган эди.

Масалан, “Асослар содда жисмлардир, бу эса инсон бадани учун бошланғич бўлаклардир. Табиатнинг тўрт унсури ҳисобланган тупроқ, сув, ҳаво ва олов буларнинг барчаси ҳам ўз табиати ва хусусиятига эгадирлар:

Олов- куруқ ва иссиқ;

Ҳаво- нам ва иссиқ;

Сув- нам ва совуқ;

Тупроқ- куруқ ва совуқдир.” [8:12]

Бу фикрлардан Чағминийнинг фалсафий қарашлари қадимги юнон ва ҳинд мутафаккирларининг қарашларига яқинлигини кўриш мумкин.[9:50]

Чағминий бу асарининг кириш қисмида яна шундай фикрларни билдириб ўтади: “Бу китобда аввалги ўтганларнинг китобларидан танлаб олиб, ўн та мақолага тартибладим ва биринчи мақола табиий усул тўғрисида бўлиб, бешта бўлимни ўз ичига олади.

ام بعد فهذا مختصر شتمل علي زبدة
استخضرات من صناعة الطب انتخبلا ته
من كتب المتقدمين و رتبته علي عشر مقالات

Шундан сўнг (билгинки), бу мухтасар (китоб) таъбот санъати бўйича (табиб) билиши зарур нарсаларнинг ҳулосасини ўз ичига олган.

Уни қадимгилар (олимлар)нинг китобларидан интиҳоб қилиб (сайлаб) олдим ва уни ўн мақоладан иборат қилиб туздим.” [10:15]

Чағминийнинг юқоридаги асари тиббиётга тааллуқли бўлишига қарамай, табиат, атроф- муҳитни инсон борлиғига таъсири, табиатдаги нарсаларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши асосида нималар ётиши, уларнинг фалсафий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилган.

Яна у давом этиб шундай дейди: “Жонли мавжудотлар пайдо бўлиши учун яна кўшимча шароитлар зарур, улар мавжуд бўлган тақдирда табиатнинг ушбу ҳодисасини кузатиш мумкин.” [11:35]

Чағминий жонли мавжудотлар пайдо бўлиши масалаларини чуқурроқ ўрганишни, атроф муҳитни ҳамда қуёш таъсирини ўрганувчиларни ҳохловчиларга Абдул Шукурийнинг “Тавҳиди баён” китобини тавсия қиладики, унда буларнинг ҳаммаси батафсил баён қилинади. [12:25]

ХУЛОСА

Чағминийнинг бу табиий-илмий қарашлар билан чиқиши ўша давр учун катта жасорат эди. Яна шунингдек, атом мавжудлигини, уни Ер юзидаги ҳаёт пайдо бўлишидаги ўрни, аҳамиятини ўзининг юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, майда заррачалар мисолида кўрсатиб ўтган. Булар албатта, Чағминийнинг олам, табиат, инсоннинг асл мазмун моҳияти ва келиб чиқиши тўғрисидаги фалсафий фикрларидан далолат беради

Муфассал қилиб айтганимизда, Чағминийнинг юқоридаги асарнинг фалсафий аҳамияти, инсон физиологияси баёни билан биргаликда инсон,

умуман бутун дунёдаги тирик жон- табиат ва унинг унсурлари, Ер қобиғидаги мавжудотларни умумий келиб чиқиши, ривож ҳақидаги илғор фикрларни билдириб ўтган эди. Бу фикрлар нафақат ўрта асрлар Шарқида, балки янги давр Европа ренессансида табиятшунослик ва фалсафий билимлар ривожланишига ўзининг юксак ҳиссасини қўшди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” Т., “O’zbekiston”, 2021
2. Rudloff G., Nocheim A. Zeitch der Deutchen morgen landuschen Gesselshaft, Leipzig, 1983.
3. Муҳаммад Шайх Тошкандий Шофайз Хожи “Қонунча” нинг ўзбек тилидаги фотокопияси. Ўз РФА ШИ инвентар рақами №1079.
4. Сиддыков Х.С. О научном творчество хорезмского астронома и математика XII-XIII вв. Чагмини. Т., «Фан», 1972.
5. “Қонунча” Ўз ФА ШИ № 14108 Навал-Кишор нашриётининг 1а саҳифасидан 5б саҳифасигача (ناشرى نواكشد عربى) 1905.
6. Kholboyeva R.A. “Scientific epistemological roots of Chagmin’s natural and socio-philosophical views” ACADEMICIA. An International Multidisciplinary research journal. India. 2022. <https://saarj.com>.
7. Кадыров А.А. и Саипов У.Т. Великие ученые – медики средневековья Т., «Медицина», 1988.
8. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане 2-е изд. Под. Ред. Муминов И.М. и Хайруллаев М.М. Т., 1976.
9. Содиков Х.С. Хоразм мутафаккирлари фан ва дин ҳақида Т., «Ўзбекистон», 1960
10. Содиков Х.С. Чағминий ва унинг ўтмишдошлари Т., «Фан», 1976
11. Сирожиддинов С.Х. Из истории точных наук на средневековом Ближнем и Среднем Востоке Т., «Фан», 1976
12. Степанянц М.Т. Восточная философия М., «Восточная литература», 2001